

Сийрат дарслари (220-дарс) Мўминларнинг қай бири зийракроқ?



19:00 / 03.03.2023 1722

856. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан одамларни кўпроқ жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўрашди. **«Аллоҳга тақво қилиш ва ҳусни хулқ»**, дедилар. У зотдан яна одамларни кўпроқ дўзахга киритадиган нарса ҳақида сўрашди. Шунда у зот: **«Оғиз ва фарж»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

Фарж – жинсий аъзо.

* * *

857. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдим. Ансорлардан бир киши келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, мўминларнинг қай бири афзал?» деди. **«Уларнинг хулқи гўзалроғи»**, дедилар. «Мўминларнинг қай бири зийракроқ?» деди. **«Уларнинг ўлимни кўпроқ зикр қилгани ва унга яхшироқ тайёргарлик кўргани. Ана ўшалар зийраклардир»**, дедилар».

Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

* * *

858. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган одамлар олдига келиб: «Сизларга яхшингиздан ва ёмонингиздан хабар берайми?» дедилар. Улар сукут сақлашди. У зот ўша гапни уч марта айтдилар. Сўнгра бир киши: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули, бизга яхшимиздан ва ёмонимиздан хабар беринг», деди. «Яхшингиз – яхшилигидан умид қилинадиган ва ёмонлигидан омон бўлинадиган кимсадир. Ёмонларингиз – яхшилиги умид қилинмайдиган ва ёмонлигидан омон бўлинмайдиган кимсадир», дедилар».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

859. Мадина аҳлидан бўлган бир кишидан ривоят қилинади:

«Муовия мўминларнинг онаси Оишага мактуб ёзиб: «Менга бир мактуб ёзиб, насиҳат қилгин. Чўзиб юборма», деди. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо ёзди: «Муовияга. Саломун алайка. Аммо баъду: «Албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагини айтаётганларини эшитдим: **«Ким Аллоҳнинг розилигини одамларнинг норозилиги билан изласа, Аллоҳ уни одамларнинг таъминотидан халос қилади. Ким одамларнинг розилигини Аллоҳнинг норозилиги билан изласа, Аллоҳ уни одамларга ташлаб қўяди».** Вассалому алайка».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан